

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

466 Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 12-сон, 110-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 29 август,
250-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 29 августдаги 250-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг жамғариб
бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари
ҳақида» 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низомда (1-илова):

а) 3-банднинг учинчи хатбошидаги «ягона маълумотлар электрон база-си» сўзлари «Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7, 8, 9 ва 10-бандлар қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«7. Иш берувчилар, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга ошираётган фуқаролар учун жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашиш мажбурий ҳисобланади, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда қатнашаётган фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш иш берувчи томонидан иш берувчи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банкининг филиалида амалга оширилади.

Ҳисобга олиш учун иш берувчи ходимнинг паспортидаги маълумотлар асосида мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ходимнинг сўровномасини ихтиёрий тарзда ёзма шаклда ёки Интерактив давлат хизматлари ягона порталининг шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети»да электрон шаклда тўлдиради.

Сўровнома босма ҳарфлар билан тўлдирилади ёки машинкада ёзилади. Сўровномада тузатишлар киритишга ва бандларнинг асоссиз бўш қолдирилишига йўл қўйилмайди.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда иш берувчи яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан фуқаронинг идентификация рақамини (шахсий кодини) сўрайди ва у аниқлангандан кейин сўровноманинг тегишли устунига ёзувни қайд этади.

Ёзма равишда тўлдирилган сўровномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги иш берувчининг раҳбари имзоси билан тасдиқланади. Агар ходим узоқ муддат бўлмаганлиги (касаллик, хизмат сафари, таътил ёки бошқа сабабга кўра) муносабати билан сўровномадаги мавжуд маълумотларни шахсан тасдиқлаш имкониятига эга бўлмаса, иш берувчи ушбу сабабларни сўровномада кўрсатади ва уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Тўлдирилган сўровномалар иш берувчи томонидан иш берувчи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банкининг филиалига ёзма тарзда такдим этилади ёки Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети» орқали жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасида ҳисобга қўйиш электрон шаклда юборилади.

Халқ банкининг филиали:

ёзма тарзда расмийлаштирилган сўровнома олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олади, унинг учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очади ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини расмийлаштиради;

Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети» орқали олинган электрон шаклда расмийлаштирилган сўровномани олиш билан бир пайтда фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олади, унинг учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобварағи очади, шунингдек бир кун муддатда — жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини расмийлаштиради.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини очиш ҳамда жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини расмийлаштириш ва юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

8. Агар иш берувчи томонидан ёзма тарзда юборилган сўровномада ҳисобга қўйилиши керак бўлган шахсни ишончли идентификациялаш имконини бермайдиган тушириб қолдиришлар, хатолар ёки тузатишлар аниқланган, ёхуд ягона маълумотлар электрон базасида ана шундай сўровнома маълумотларига эга бўлган шахс аниқланган ҳолларда, Халқ банки филиали сўровнома такдим кундан бошлаб уч иш куни мобайнида уни аниқланган хатоларни кўрсатган ҳамда уларни аниқлаштириш ва тузатиш учун иш берувчига қайтаради.

Агар иш берувчи томонидан Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети» орқали электрон шаклда такдим этилган сўровномада шахсий маълумотларни идентификациялаш имкони бўлмаса, хатолар, ноаниқликлар бўлса ёхуд ягона маълумотлар электрон базасида ана шундай сўровнома маълумотларига эга бўлган шахс аниқланган ҳолларда, Халқ банки филиали Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали сўровнома такдим кундан бошлаб бир иш куни мобайнида уни аниқланган хатоларни кўрсатган ҳамда уларни аниқлаштириш ва тузатиш учун иш берувчига қайтаради.

Иш берувчи сўровномада кўрсатилган маълумотларнинг уч иш куни мобайнида аниқлаштирилишини ва тузатилишини таъминлайди ва уни Халқ банки филиалига қайтаради.

9. Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишда Халқ банки филиали уч иш куни мобайнида иш берувчига мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича унинг ходимлари жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги хабарномани ёзма ёки

электрон шаклда, ҳисобга олинган ҳар бир ходимга жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари очиш тўғрисида хабарнома юборади.

10. Иш берувчи тегишли хабарнома келган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида Халқ банки филиалидан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини, илова қилинадиган ведомостни олади ва улар олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ходимларга беради. Ходим жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини олганлиги тўғрисида илова қилинадиган ведомостга имзо чекади. Илова қилинадиган ведомость тўлдирилгандан кейин беш кун муддатда Халқ банки филиалига қайтарилади.

Агар иш берувчи ходим узоқ вақт бўлмаганлиги муносабати билан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини унга бериш имкониятига эга бўлмаса, иш берувчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасидаги ёзувларни текширади, илова қилинадиган ведомостда бўлмаган ходим учун имзо қўяди ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бўлмаган ходимга топшириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради»;

в) 11-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобда турмаган (шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига эга бўлмаган) ходимни ишга қабул қилишда, иш берувчи ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ иш бошланган кундан бошлаб беш кун муддатда Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш учун ишга қабул қилинган ходимнинг шахсий маълумотлари кўрсатилган сўровномани юбориши (тақдим этиши) шарт»;

г) 16 ва 17-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«16. Ҳар бир иш берувчи ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15-кунигача ҳар ойда мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этаётган ходимлар реестрини жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базаси форматида электрон ҳужжат сифатида шакллантириши иш берувчи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банки филиалига электрон манбаларда тақдим этиши ёки уни Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети» ёхуд Интернет тармоғининг реестрни юбориш имконини берувчи бошқа сайтлари орқали бевосита жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасига юбориши шарт.

Кўрсатиб ўтилган электрон ҳужжат тушган пул маблағларини фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Иш берувчи томонидан тузилган реестрнинг қоғоз манбасидаги асл нусхасини раҳбар ва бош бухгалтер имзолайди ва иш берувчида сақланади.

17. Реестрни жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасига киритиш жараёнида хатолар ва тафовутлар аниқланган тақдирда ушбу реестр қабул қилинмайди ва автоматик режимда

хатоларни тузатиши ёки тафовутларни бартараф этиш учун иш берувчига қайтарилади.

Иш берувчи қайтарилган реестрдаги хатоларни тузатади ёки тафовутларни бартараф этади ҳамда уч кун муддатда иш берувчи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банки филиалига электрон манбаларда такроран такдим этади ёки Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети» ёхуд Интернет тармоғининг реестрни юбориш имконини берувчи бошқа сайтлари орқали юборади.

Агар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунигача иш берувчи реестрга тузатиш киритиш чораларини кўрмаса, Халқ банки филиали бу ҳақда давлат солиқ хизматининг тегишли ҳудудий органини чора кўриш учун хабардор қилади;

д) 22-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Шахсий ҳисобга олиш ҳужжатлари раҳбарнинг имзоси ва муҳр (мавжуд бўлса) билан тасдиқланган ёзма шаклда такдим этилади ёки Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети» орқали электрон шаклда юборилади. Электрон шаклда юборилган ҳужжатлар электрон рақамли имзо мавжуд бўлган тақдирда юридик кучга эга бўлади»;

е) 23-банднинг иккинчи хатбошидаги «ҳисобга олишнинг электрон базасида» сўзлари «жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасида» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 24-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«24. Халқ банки иш берувчи томонидан реестр такдим этилгандан кейин электрон тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммаларни ва реестрда кўрсатилган бадалларнинг якуний суммасини солиштиради ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базаси орқали фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтказилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий равишда иштирок этаётган фуқаролардан тушган шахсий ҳисобга олиш маълумотлари тегишли мурожаат Халқ банки филиалига тушган кунда текширилади ва жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтказилади»;

з) 28-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Иш берувчи қўйидагиларга мажбурдир:

мазкур Низомга мувофиқ жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган муддатда Халқ банкига такдим этиш;

Халқ банки филиалидан тегишли хабарнома тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ходимларнинг расмийлаштирилган жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини олиш ва уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилишини таъминлаш;

ҳисобланган бадалларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўз вақтида ва тўғри ўтказиш;

ходимнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтка-

зилган бадаллар суммаси тўғрисида Халқ банкига тақдим этилган маълумотлар нусхаларини ходимнинг талабига кўра бепул бериш;

ходимга берилган жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси реквизитларининг ходимнинг шахсини тасдиқлайдиган хужжат реквизитларига мувофиқлигини назорат қилиш».

2. Халқ банкида фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни киритиш тартиби тўғрисидаги низомда (2-илова):

а) 11-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Халқ банки филиали сўровномани тўлдиришнинг тўлиқлигини текширади ва унда кўрсатилган маълумотларни Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасига киритади:

ёзма тарзда расмийлаштирилган сўровномани олишда уч иш куни мобайнида;

Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети» орқали электрон шаклда расмийлаштирилган сўровномани олиш билан бир вақтда»;

б) 16-банднинг еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасидаги маълумотларни бериш ва айирбошлаш»;

в) 18, 19 ва 20-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон базасига автоматик режимда реестр келиб тушгандан кейин реестрнинг якуний қаторида кўрсатилган бадалларнинг якуний суммасини электрон тўлов хужжатида кўрсатилган бадаллар суммаси билан солиштирилади, шунингдек реестрнинг ҳар бир қатори ва ҳар бир устуни бўйича яқунларнинг тўғрилиги текширилади.

19. Реестр ва электрон тўлов хужжатининг якуний қаторида кўрсатилган бадаллар суммаси, шунингдек реестрнинг ҳар бир қатори ва ҳар бир устуни бўйича яқунлар тафовути бўлмаганда, реестрнинг маълумотлари Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасига киритилади.

20. Реестрда кўрсатилган қаторлар ва устунлар бадаллари, яқунлари мос келмаган тақдирда ушбу реестр қабул қилинмайди ва аниқлик киритиш учун бадал киритувчига автоматик режимда қайтарилади»;

г) 21-банднинг учинчи хатбошидаги «ягона электрон маълумотлар бази» сўзлари «Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 22-банднинг учинчи хатбошидаги «жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ягона электрон маълумотлар базасига» сўзлари «Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 25-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«25. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар календарь йилнинг охирги кундаги ҳолати бўйича уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пенсия жамғармаси тўғрисида уларнинг манзилига мазкур Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича хабарнома юбориш йўли билан Халқ банкининг филиали томонидан мажбурий тартибда хабардор қилинади.

Хабарнома жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига муҳрланган конвертда почта орқали ёки Интернет тармоғи орқали электрон шаклда юборилади ёхуд Халқ банки филиалининг ходими томонидан олувчининг имзоси қўйдирилиб шахсан берилади.

Олувчининг ихтиёрига кўра жамғариб бориладиган пенсия тўловлари хабарномаси шунингдек ушбу Низомга иловада келтирилган маълумотлар мавжуд бўлган СМС-хабарлар жўнатиш йўли билан юборилади.

Хабар бериш ҳисобот давридан (календарь йилдан) кейинги йилнинг биринчи чораги мобайнида амалга оширилади»;

ж) 29-банддаги «жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ягона электрон маълумотлар базасидаги» сўзлари «Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 30-банднинг биринчи хатбошидаги «жойлашган жой бўйича» сўзлари «солиқ рўйхати олинган жойдаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 33-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«33. Мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг тўғрилиги, тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларини тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига юкланади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимига мажбурий жамғариб бориладиган бадаллар ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда пеня ундирилади».

3. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда (3-илова):

а) 7-бандга қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Ногиронлиги бўйича ёки боқувчисини йўқотганлик учун пенсия тайинлашда Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада тўловларнинг бошланиш ва тугаш муддатлари кўрсатилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчиларга гувоҳномани уларнинг аризаси асосида шахсан беради, гувоҳнома олувчиларнинг яшаш жойи ўзгарганда ҳам амал қилади»;

в) 2-илова матни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири

**Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари
олиш ҳуқуқи тўғрисида
ГУВОҲНОМА**

20__ йил «__»_____ № _____

_____ (туман, шаҳар номи) Ўзбекистон
Республикаси Молия вазирлиги
хузуридаги бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармаси бўлими

Мазкур гувоҳнома фуқаро _____ нинг
(Ф.И.О.)

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига мувофиқ шахсий жам-
ғариб бориладиган пенсия ёшга доир пенсияга, ногиронлиги бўйича пенсия-
га чиқиш ҳуқуқи мавжудлиги ёки боқувчисини йўқотганлиги муносабати
билан (кераклисининг тагига чизилади) _____

_____ ҳисобварағидан
(жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида кўрсатилган шахсий
жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами)
жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олиш ҳуқуқига эга эканлигини
тасдиқлайди.

Тўлов 20__ йил _____ дан бошланади.
(ой)

Тўлов 20__ йил _____ да тугайди*.
(ой)

Бўлим бошлиғи _____
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў

* ногиронлиги бўйича пенсияга чиқиш ҳуқуқи мавжудлиги ёки боқув-
чисини йўқотганда тўлдирилади».

4. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисидаги низомнинг
(4-илова) 11-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси жамғариб бориладиган
пенсия тизимида ҳисобга олинган ҳар қайси фуқаро учун, фуқароларни
жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур ҳужжат-

35 (691)-сон

— 11 —

466-467-моддалар

лар олинган ва Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Халқ банки филиали томонидан:

ёзма равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар олингандан кейин уч иш куни мобайнида;

Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий «тадбиркорлик субъекти кабинети» орқали электрон шаклда расмийлаштирилган ҳужжатлар олинган пайдан бошлаб бир кун муддатда расмийлаштирилади».